

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1898-ҳадис

1898 - وَعَنْ عَوْفِ بْنِ مَالِكِ بْنِ الطُّفَيْلِ: أَنَّ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا حَدَّثَتْ: أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ الزُّبَيْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ فِي بَيْعٍ أَوْ عَطَاءٍ أَعْطَتْهُ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهَا: وَاللَّهِ لَتَنْتَهِيَنَّ عَائِشَةُ، أَوْ لِأَحْجُرَنَّ عَلَيْهَا، قَالَتْ: أَهْوَى قَالَ هَذَا؟ قَالُوا: نَعَمْ، قَالَتْ: هُوَ، لِلَّهِ عَلَيَّ نَذْرٌ أَنْ لَا أَكَلِمَ ابْنَ الزُّبَيْرِ أَبَدًا، فَاسْتَشْفَعَ ابْنُ الزُّبَيْرِ إِلَيْهَا حِينَ طَالَتِ الْهَجْرَةُ. فَقَالَتْ: لَا وَاللَّهِ لَا أَشْفَعُ فِيهِ أَبَدًا، وَلَا أَتَحَنُّ إِلَى نَذْرِي. فَلَمَّا طَالَ ذَلِكَ عَلَى ابْنِ الزُّبَيْرِ كَلَّمَ الْمِسُورَ بْنَ مُحْرَمَةَ، وَعَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ الْأَسْوَدِ بْنَ عَبْدِ يَغُوثٍ وَقَالَ لَهُمَا: أَنْشُكُمَا اللَّهَ لَمَا أَدْخَلْتُمَانِي عَلَى عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، فَإِنَّهَا لَا يَحِلُّ لَهَا أَنْ تَنْذِرَ قَطِيعَتِي، فَأَقْبَلَ بِهِ الْمِسُورُ، وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ حَتَّى اسْتَأْذَنَّا عَلَى عَائِشَةَ، فَقَالَا: السَّلَامُ عَلَيْكَ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، أَنْدَخُلُ؟ قَالَتْ عَائِشَةُ: ادْخُلُوا. قَالُوا: كُنَّا؟ قَالَتْ: نَعَمْ ادْخُلُوا كُلُّكُمْ، وَلَا تَعْلَمُ أَنَّ مَعَهُمَا ابْنَ الزُّبَيْرِ، فَلَمَّا دَخَلُوا، دَخَلَ ابْنُ الزُّبَيْرِ الْحِجَابَ، فَأَعْتَقَ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، وَطَفِقَ يُنَاشِدُهَا وَيَبْكِي، وَطَفِقَ الْمِسُورُ، وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ يُنَاشِدَانِهَا إِلَّا كَلِمَتَهُ وَقَبِلَتْ مِنْهُ، وَيَقُولَانِ: إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَمَّا قَدْ عَلِمْتَ مِنَ الْهَجْرَةِ. وَلَا يَحِلُّ لِمُسْلِمٍ أَنْ يَهْجُرَ أَحَدًا فَوْقَ ثَلَاثِ لَيَالٍ. فَلَمَّا أَكْثَرُوا عَلَى عَائِشَةَ مِنَ التَّكْرِ وَالْتَحْرِيجِ، طَفِقَتْ تُكْرِهُمَا وَتَبْكِي، وَتَقُولُ: إِنِّي نَذَرْتُ وَالنَّذْرُ شَدِيدٌ، فَلَمْ يَزَالَا بِهَا حَتَّى كَلَّمَتِ ابْنَ الزُّبَيْرِ، وَأَعْتَقَتْ فِي نَذْرِهَا أَرْبَعِينَ رَقَبَةً، وَكَانَتْ تُكْرِ نَذْرَهَا بَعْدَ ذَلِكَ فَتَبْكِي حَتَّى تَبُلَّ دُمُوعُهَا خِمَارَهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [6073].

1898. Авф ибн Молик ибн Туфайл розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоху анҳумонинг олди-сотди ёки у берган тортиқ хусусида «Аллоҳга қасамки, ё Оиша бас қилади, ёки мен уни (тасарруфдан) тўсиб қўяман», дегани Оишага айтилди. Шунда у: «У шундай

дедими?» деди. «Ҳа», дейишди. «Аллоҳ учун зиммамга назр бўлсинки, Ибн Зубайрга зинҳор гапирмайман», деди. Араз чўзилиб кетгач, Ибн Зубайр унга воситачи қўйди. Шунда (Оиша): «Йўқ! Аллоҳга қасамки, унинг хусусида воситачиликларни асло қабул қилмайман ҳам, назримни бузмайман ҳам», деди.

Бу ҳол чўзилиб кетгач, Ибн Зубайр Мисвар ибн Махрама билан Абдурраҳмон ибн Асвад ибн Абдуяғуслар билан гаплашиб, уларга: «Аллоҳ ҳаққи, ёлвораман, мени Оишанинг ҳузурига олиб кирсаларингиз-чи! Ахир мен билан қариндошлик ришталарини узишни назр қилиши унга ҳалол бўлмайди-ку», деди.

Мисвар билан Абдурраҳмон келиб, «Ассалому алайки ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу! Кираверайликми?» деб Оишанинг ҳузурига изн сўрашди. Оиша: «Киринглар», деди. «Ҳаммамизми?» дейишди. У улар билан Ибн Зубайр ҳам борлигини билмай, «Ҳа, ҳамманглар киринглар», деди. Улар киришгач, Ибн Зубайр парда ортига ўтиб, Оишани қучоқлаб, ёлвориб йиғлай бошлади. Мисвар ва Абдурраҳмонлар ҳам (Оишадан Ибн Зубайрга) гапиришини ва (кечиримини) қабул қилишини ёлвора кетишди. Улар: «Ўзингиз билганингиздек, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аразлашдан қайтарганлар, чунки мусулмон кишига биродари билан уч кундан ортиқ аразлашиб юриш ҳалол эмас», дейишарди.

Улар Оишага насиҳат қилиб, ҳадеб қистайверишгач, у уларга назрини эслатиб: «Мен назр қилганман, назр(ни бузиш) эса ёмон», дея йиғлаб юборди.

Иккови шундай туравергач, ниҳоят (Оишанинг) ўзи Ибн Зубайрга гапирди ва ўша назри учун қирқта кул озод қилди. Кейинчалик ҳам у назрини ёдга олиб йиғлар, ҳатто кўз ёшлари рўмолини ҳўл қилиб юборар эди».

Имом Бухорий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz



